# ХАЛҚ КОНТРОЛИ

САҲИФА № 1 (304)

• ҚАЙТА ҚУРИШ ЙЎЛИДАН •

## АМАЛИЙЛИКНИ ТАЪМИНЛАЙМИЗ

ҚАЙТА қуришнинг ҳозирги босқичида жамиятимизнинг жуда кўп кучлари ишга солинмоқда. Вазифалар ва айниқса иш кўламлари сифат жиҳатидан ўзгармоқда. Истиқболни кўзлаб ҳамма нарсага янгича ёндошилмоқда. Ҳозир жойларда халқ контроли ишини янада яхшилаш, такомиллаштириш юзасидан ҳаракатлар бўлаяпти. Биз ҳам ўз корхонамиз хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда фаолиятимизда бирмунча ўзгаришлар қиляпмиз. КПСС XXVII съезди қарори ва КПСС Марказий Комитетининг съезддан кейинги даврда бўлиб ўтган Пленумлари қарорларини изчил бажариш мақсадида халқ контроли группаси ўрнида ягона контрол комитети тузишга қарор қилдик. Хўш, у қандай бўлади?

Ҳар бир корхонада 20 атрофида, ҳатто ундан ҳам кўп жамоат ташкилотлари ва комиссиялар мавжуд. Уларнинг ҳар бири йил давомида кўплаб текширишлар ўтказишади. Ана шу текширишларнинг кўпи такрор бўлади. Чунки ҳар бирининг планида бор-да. Янгича усулда эса текширишларнинг ҳаммаси ягона контрол комитети орқали ўтказилади. Касаба союз, комсомол ташкилоти ва бошқа жамоат ташкилотлари билан ҳамкорлик кучаяди.

Комбинат халқ контроли группасига ҳаммаси бўлиб 94 киши бирлашган эди. Аслида 10—15 киши актив қатнашади. Аввалги қоида бўйича халқ назоратчиларининг 70 процентдан кўпи ишчилар бўлиши керак эди. У ишлайдими, ишламайдими, рўйхатдан фамилиялари ўрин оларди. Ягона контрол комитети ҳозир 28 кишидан иборат холос. Илгариги қоидадан, қоғозбозликдан воз кечиб комитетга асосан принципиал, ўз касбини пухта биладиган мутахассисларни жалб этдик.

Ягона контрол комитети ҳузурида бюро ташкил этилган. Шу билан бирга комитет қуйидаги етти сектордан иборат: маҳсулот сифати, давлат планларини бажариш, штат-молия интизомига амал қилиш; янги техника, технология ва меҳнатни ташкил этишнинг янги усулларини жорий этиш; иқтисод ва тежамкорлик, социалистик мулкни сақлаш, маданий-маиший ва меҳнатни муҳофаза қилиш; меҳнат низолари, меҳнаткашлар хатлари ва шикоятларини кўриб чиқиш; ишни ташкил этиш ва ошкоралик; иш юритиш.

Бу секторларга бошқа жамоат ташкилотлари вакиллари кирган ва уларнинг ҳисоботлари ҳар ой тинглаб борилади. Ундан ташқари ҳар бир сектор ўз мустақил планига эга.

Партия ташкилоти ҳузуридаги маъмурият фаолиятини назорат қилиш комиссияси ҳам ягона контрол комитети ҳисобига ўтказилди.

Дастлабки иш натижалари эса, янги усулнинг истиқболи бор эканлигини кўрсатмоқда. Ягона контрол комитети декабрь ойида корхонанинг хўжалик усули ва ўз-ўзини маблағ билан таъминлашга ўтиш муносабати билан унга тайёргарлик аҳволини кўриб чиқди. Қатор камчиликлар аниқланди. Жумладан иш жойларини аттестациялаш кечиктириб юборилганлиги, бригадаларда олиб борилаётган тушунтириш ишларининг талаб даражасида бўлмаётганлиги, янги омборнинг ишга шай эмаслиги каби қатор камчиликлар кўрсатилди. Комиссия жуда чуқур анализ қилди. Бу эса ишни тезда тўғри йўлга қўйишга ижобий таъсир кўрсатди.

Ягона контрол комитети яқинда ёрдамчи хўжаликни ҳам текширди. Аниқланишича, унинг территориясида 150 дан ортиқ мевали дарахтлар, 100 тупга яқин узум, 800 квадрат метр саҳнга эга бўлган теплица бор экан. 1987 йил ёрдамчи хўжаликдан кассага бирор сўм топширилмаган. Маълум бўлишича, ёрдамчи хўжалик қаровсиз қолган. Дарахтлар парваришланмайди, ишлов берилмайди. Умуман хўжасизлик ҳукм сурган. Комиссия камчиликларга нисбатан муросасиз бўлди. Шу билан бир қаторда ёрдамчи хўжаликдан самарали фойдаланиш, корхона коллективини арзон мева-чева билан таъминлаш юзасидан маъмуриятга конкрет таклиф ва мулоҳазалар билдирилди.

Комитет 2-цехдаги технологик линиянинг қандай ишлаётганлиги ҳақидаги масалани ҳам текширди. Камчиликлар рўй-рост очиб ташланди. Маъмурият ана шу текшириш натижасини ўрганиб, уларни бартараф этиш юзасидан тезда тадбирлар белгилаш ва унинг якунларини маълум қилиш ҳақида буйруқ чиқарди. Бу ҳам ягона контрол комитетининг роли, эътибори ошганлигини кўрсатди.

Комитет тузилиши билан унинг ҳуқуқлари ҳам кенгайтирилди. Илгари халқ контроли комитети рейд ва текширишларнинг натижаси маъмурият, партия ташкилоти ва коллектив муҳокамасига тақдим этиш билан чегараланган бўлса, энди ўзи муҳокама этиб, жарима белгилаши, виговор, қаттиқ виговор эълон қилиши мумкин.

Янгича ишлаш муносабати билан ошкораликка алоҳида эътибор берилмоқда. Жуда кўп шикоятлар асосан квартиралар, болалар боғчаяслилари, дам олиш йўлланмаларини нотўғри тақсимлаш сабабли тушади. Албатта, сир эмас, стол ғаладонида ётиб навбат рўйхатлари баъзан ўзгариб, атайин «чалкашиб» қолиш ҳоллари ҳам бўлиб туради. Бундан буён рўйхатларга назоратчилар экранида жой берамиз. Ундан ташқари касаба союз ташкилотининг комиссиялари вақти-вақти билан ягона контрол комитети бюроси олдида ҳисоб берадилар. Унинг натижалари ҳам коллективга маълум қилиб борилади. Янги ташкил этилган радиогазета орқали эълон қилиб турилади. Шунингдек, «Ташвишли сигнал» деган варақа ҳам ташкил қилинди. У ҳар қандай камчиликларга қарши кураш воситаси бўлиб хизмат қилади. Варақада эълон қилинган танқидий таклиф ва мулоҳазалар эса вақти-вақти билан мутахассислар томонидан умумлаштирилиб борилади.

**Г. КАН,**
**Олмалиқ мебель комбинати ягона контроль комитетининг раиси.**

## ЯГОНА НАЗОРАТ КОМИТЕТИ

Хўжалик ишларини назорат қилишда, керак бўлса-бўлмаса турли хил текширувларни ўтказишга ўрганиб қолганмиз. Комиссияга кечагина шу ишни текширишганини айтсангиз «планимизда бор, ҳисобот беришимиз керак», деб қўйишади. Бундай воқеа ҳар бир корхона, муассасада юз берган десак хато бўлмас.

Хўжалигимизда 143 киши, яъни колхозчиларнинг 15 проценти текширув жамоат ташкилотлари ишида қатнашаркан. Айрим кишилар ҳатто бирнеча комиссияларга аъзо.

Биз ҳисоб-китоб қилиб чиқдик. Ўтган йилда керак-нокерак текширишлар учун жамоатчилар 1250 иш кунини йўқотишибди. Ахир, улар тадбирни иш вақтида ўтказишади-да. Ўтказилган текширишларнинг кўпини эса сифатли деб бўлмайди. Қизиғи шундаки, ана шу комиссиялар составида қатнашган кишиларнинг бир қисми худди шу текширувларни ўтказишга лаёқатли эмас, ташкилотчилик қобилиятлари етишмайди. Номига рўйхатларда бор, комиссиялар атрофида ўралашиб юришади.

Бундай яроқсиз иш услуби қайта қуриш даври учун бегона. Бу аҳволда фақатгина одамларни ишдан қолдириш, безор қилиш мумкин.

Ҳозир халқ контролида ишлар қайта ташкил этиляпти. Экспериментлар олиб борилляпти. Биз ҳам КПСС Марказий Комитетининг 1987 йил июнь Пленуми қарорларини ҳаётга татбиқ этиб, районда биринчи бўлиб ягона халқ контроли комитетини тузишга жазм қилдик. Коллектив йиғилишида муҳокама этилгач, колхоз маъмурияти, партия, касаба союз, комсомол комитети, халқ контроли группасининг қарори чиқарилди. Шу муносабат билан партия комитети ҳузуридаги партия комиссияси, касаба союз комитети умумий назорат комиссияси, комсомол прожектори, халқ контроли группа ва постлари вазифалари ягона халқ контроли комитети зиммасига юклатилди.

**Ҳ. НОСИРОВ,**
**халқ назоратчиси.**
**Тошкент районидаги «Ленин йўли» колхози.**



● ЯНГИЙЎЛ пахта заводи халқ контроли комитети белгиланган план асосида мунтазам рейд ва текширишлар ўтказиб бормоқда. Уларга касаба союз ташкилоти, комсомол прожектори ва бошқа жамоат ташкилотлари активлари ҳам жалб этилаяпти.

Халқ назоратчилари, айниқса, ишлаб чиқариш кўрсаткичларининг бажарилиши, шу жумладан маҳсулот сифатини яхшилашга алоҳида эътибор бермоқдалар. Текширув ва рейдлар натижаларининг ошкоралиги ва оммавийлиги ҳам таъминланмоқда. Ҳар галги тадбирдан сўнг уларнинг якунлари халқ контроли экранида акс эттирилаяпти.

СУРАТДА: халқ контроли группаси аъзолари (чапдан) Санобар Нишонбоева, Болтабой Саидбеков, Зоя Касьяновалар маҳсулот сифатини текширмоқдалар.

А. Зуфаров фотоси.

## СОЯБОНСИЗ БЕКАТЛАР

«Янгибозор — Кавардан» маршрути Коммунистик районидаги энг серқатнов транспорт ҳаракати йўлларидан бири ҳисобланади. У «Политотдел» колхози аъзолари учун айниқса асқотади. Хўжалик раҳбарлари бир неча йилдирки, ўз территорияларидаги етти бекатга соябон қуриб беришни ваъда қиладилару, яна вақт ўтгач, унутиб юбораверадилар. Колхозчилар ёз ойлари жазирама иссиқда офтоб остида, қиш, куз, баҳор фаслларида қор, ёмғир остида автобус кутадилар.

Тўғри, ёлғон бўлмасин, икки бекатда соябон бор. Афсуски, ана шу соябонлар қўл учида қўндириб кетилган. Ёғин-сочин кунларда чакка ўтиб безор қилади.

Ҳурматли редакция, бизнинг шикоятимиз ҳақида колхозимиз раҳбарларига икки оғиз аччиқ гап айтиб қўйсангизлар. Қачонгача аҳолини ёлғон ваъда билан алдаб келишади?!

**Л. МАНСУРОВ,**
колхозчи.

## КАССАГАМИ, КИССАГА?

ҲАМЗА районидаги 2-автопарк ҳайдовчилари билет сотишнинг янгича усулини «жорий» этишибди. Транспорт корхонасига қарашли автобусларнинг шофёрлари билетларни кабиналари бурчагига осиб қўйишади. Четдан қараб турсангиз, йўловчилар узатган пуллар касса ўрнига киссага бориб тушаверади. Ахир билет сотилмагандан кейин шундай хулоса чиқади-да.

151-маршрутни олайлик. Эрта билан автобусда одамлар кўп. Ҳайдовчи бекатларда фақат олдинги эшикни очади. Тўғри, автопарк раҳбарлари бизда ҳам план бор, пассажирлар билет олишсин-да, дейишлари мумкин. Иккита салонли, узундан-узоқ «Икарус»нинг охиридан билетга пул узатсангиз, тушгунингизча чалкашиб кетмаса ё олишга улгурасиз, ёки бекатингизгача етиб келмайди. Натижада кўпгина йўловчилар билетга пул узатишдан зада бўладилар.

Ҳайдовчилардан нега касса ишламайди, абонемент системаси жорий этилмаган, деб сўрасангиз автобусларимиз қишлоқ зонага ҳам кириб чиқади, шунинг учун эски усулга ўтиб олганмиз, дейишади. 161-маршрут аэропортдан шаҳар кўчаларидан ўтиб, авиасозлар шаҳарчаси орқали Тузель посёлкасигача боради. 151-маршрут эса Чкалов номли метро станциясидан авиасозлар шаҳарчаси орқали Лисунова номли, «Октябрь 40 йиллиги» турар-жой массивларини кесиб ўтиб, Тузель посёлкасидан қайтади. Аслида бу маршрутлар Чкалов номли авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси ишчи-хизматчиларининг қатнов йўли ҳисобга олиб тузилган. Шундай экан, шартмикан ҳар кун эрталаб ишга кетаётган ишчи-хизматчиларнинг кайфиятини бузиш, тугмача узар тўполонларга мажбур қилиш? Автопарк маъмурияти аҳолининг талабларини ҳисобга олиб йўловчилар учун қийинчилик эмас, қулайликлар туғдириши лозим. Транспортчилар тез орада жиддий чоралар белгилашлари керак. Барча йўловчиларнинг талаби шу.

**М. САПАЕВ,**
**«Тошкент ҳақиқати» ҳузуридаги ишчи мухбирлар университетининг тингловчиси.**

## Янги уйда янги ремонт

ҚУВОНЧИНГИЗ чексиз. Янги уйга кўчяпсиз. Кўч-кўронингизни ортган машина квартирангиз подъезди рўпарасига келиб тўхтайди. Кабинадан тушишингиз билан нотаниш қўшнилар сизни табриклашади.

— Уй муборак, қўшнижон.

— Янги уй билан...

Кўч-кўронни жой-жойига қўйиб, йиллаб орзиқиб кутган квартирангизни ҳаяжон билан томоша қилабошлайсиз. Ваннахона томон юрасиз. Бирдан кранларга кўз ташлайсиз-у, саросимага тушиб қоласиз. Ҳар иккала кран мурвати йўқ. «Шу ҳам иш бўлибдими, эрталаб слесарни чақирсам бир зумда тўғрилаб кетади» деган хаёлга борасиз. Бироздан сўнг хотинингизнинг ташвишли овози эшитилади:

— Вой дадаси, газ плитаси ўрни-таги билан йўқ-ку!

— Ана холос,— ҳафсалангиз пир бўла бошлайди.

Болалар хонасидан ўғилчангизнинг овози келади:

— Дада, бу ёққа қаранг.

Ичкарига кириб таъбингиз яна тирриқ бўлади. Ажабо, уйнинг ярмига линолеум ёпиштирилмабди. Тутоқиб эшикка ёпишсангиз тутқичи йўқ. Ана сизга янги квартира. Албатта бу ўринда газетхон бўлган воқеами ёки ҳазилми, деб савол бериши мумкин. Бўлган воқеа. Бўлганда ҳам шаҳримизнинг қоқ ўртасида жойлашган Куйбишев райони территориясида рўй берган.

Ўтган йил районда 40 та атрофида уй фойдаланишга топширилди. Барча уйларнинг қабул актига Куйбишев район ижроия комитетининг раиси ўринбосари Аҳмаджонов бошчилигидаги давлат комиссияси қўл қўйган. Актларни район уй-жойлардан фойдаланиш тресги бошлиғи С. Мевзос ҳамда комиссиянинг бошқа аъзолари имзолашган. Ҳужжатда ҳеч қандай камчиликлар кўрсатилмай, «яхши» баҳога қабул қилинган.

Комиссия хоналарни тўлатўкис кўздан кечирганми, йўқми, билмаймизу, лекин уларнинг ўз вазифаларига совуққонлик билан муносабатда бўлганликлари аниқ. Буни қуйидаги фактлар ҳам исботлаб турибди. Текширувда қабул қилинган уйларнинг 130 квадрат метрига линолеум ётқизилмаган. Баъзи хоналарга ҳатто деразалар ҳам қўйилмаган.

*Ҳам куласиз, ҳам куясиз*

Эшиклар бекилса очилмайди, очилса бекилмайди. Электр ускуналари, санитария-техника жиҳозлари етишмайди. Газ плиталари комплектланмаган. Уйларга кўчишга имкон бўлмаганлиги, узоқ қаровсиз қолдирилиши натижасида, бу уйлардан тахминий ҳисоб-китобларга кўра 3,5 минг сўмликдан ортиқ жиҳозлар йўқ қилинган.

Шу ўринда яна бир савол туғилиши табиий. Шаҳарда уй-жой танқислиги яққол сезилиб турган вақтда нега тайёр уйларга оилалар вақтида киритилмайди? Бунга асосан давлат қабул комиссияси билан уй-жойлардан фойдаланиш участкаси комиссияси ўртасидаги зиддият сабабчи бўлмоқда. Чунки давлат комиссияси қабул қилган объектни ҳамиша ҳам биринчи тақдимдаёқ ЖЭУ комиссиясига топшира олмайди. Қурувчилар «Эсдалик учун» қолдирган нуқсонларни бартараф этгунча орадан талай вақт ўтиб кетаяпти. Мана, бир мисол. Луначарский шоссесининг жанубий томонида қад кўтарган 1-турар-жой биноси 1-уйсозлик комбинатининг 26-қурилиш бошқармаси қурувчилари (бошлиғи Вартазаров) томонидан бунёд этилган. Давлат комиссияси объектни ўтган йилнинг март ойида қабул қилиб олганди. 43-ЖЭУ комиссияси эса 10 апрелдаги ўзининг протоколида бу уй қурилишида бажарилмай қолган 36 камчиликни қайд этди. Шоссенинг шу томонида жойлашган 2-турар-жой биноси июнь ойида қабул қилинган бўлишига қарамай, унга оилалар бир ой кечикиб киришди. Чунки участка комиссияси бу уйнинг квартираларида қатор нуқсонлар борлигини аниқлади. Ҳатто айрим уйларнинг томи ҳам яхши ёпилмаган. Шу ердаги 5- ва 6-уйлар март ойида фойдаланишга топширилган эди. Уларда ҳам бирқанча камчиликлар борлиги сабабли квартираларга одамлар анча кеч кўчиб киришди. Баъзан бундай зиддиятларнинг бутун оғирлиги оилалар зиммасига тушмоқда. Бундай «бахтга» муяссар бўлганлар ҳали янги уйга кўчиб кирмай туриб, жорий ремонтни бошлаб юборишяпти. Бу кимнинг фойдаси-ю, кимнинг зиёни? Ҳанузгача, Куйбишев район ижроия комитети ҳузуридаги Давлат комиссияси аъзоларини бу савол қизиқтирмай келарди. Шунинг учун ҳам улар «қўлдан кетгунча, эгасига етгунча» қабилида иш тутишарди. Яқинда шаҳар халқ контроли комитети бу масала билан қизиқиб оранн очиқ қилди ва айбдорларни тегишли «мукофотлар» билан тақдирлашга мажбур бўлди.

**М. КОМИЛЖОНОВ.**

*Область халқ контроли комитетида*

## ОШХОНАЛАРДА БЕТАРТИБЛИК

ХАЛҚ контроли комитети йиғилишида область ва Тошкент шаҳар халқ маорифи, ҳунар-техника таълими, умумий овқатланиш, савдо, соғлиқни сақлаш, матлубот жамияти бошқарма ва бўлимларининг айби билан қатор шаҳар ва районлардаги мактабгача тарбия муассасаларида мактаб ва ҳунар-техника билим юртларида умумий овқатланиш, медицина хизмати қониқарсиз аҳволда қолаётганлиги ва у мактаб ислоҳоти талабларига жавоб бермаётганлиги қайд этилди.

1062 мактаб ва 94 ҳунар-техника билим юртининг 150 тасидан кўпида ошхона умуман йўқ. 413 мактабда эса ошхоналар мослаштирилган биноларга жойлаштирилган. 132 мактабгача тарбия муассасаларининг ошхоналари ҳам носоз бинолардадир. 241 мактабгача тарбия муассасаларининг ошхоналари мутлақо қониқарсиз аҳволда.

Область ва шаҳар умумий овқатланиш бошқармалари раҳбарлари етарли назорат ўрнатмаганликлари учун ошхоналарда бетартиблик ҳукм сурмоқда. Жойларда энг оддий нарсалар, ҳаттоки идиш-товоқ, умивальниклар ҳам етишмайди.

Умумий овқатланиш корхоналари ва халқ маорифи мутасаддилари мактабларда ўқувчиларнинг ёшларига қараб иссиқ овқат тайёрлаш масалалари билан умуман шуғулланмай қўйганлар.

Область матлубот жамияти, умумий овқатланиш ва савдо бошқармалари ҳунар-техника билим юртлари, мактаблар, мактабгача тарбия муассасалари ошхоналарини мунтазам равишда озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш масалаларига диққат қилмаяптилар. Айниқса Октябрь, Ҳамза, Сергели, Оҳангарон, Бекобод, Ғалаба, Оққўрғон, Калинин, Янгийўл, Тошкент, Паркент, Орджоникидзе районлари, Бекобод, Олмалиқ шаҳарларида аҳвол яхши эмас.

Умумий овқатланиш шохобчалари сон жиҳатдан кам ва айрим жойларда борлари ҳам талаб даражасида эмас.

Умумий овқатланиш корхоналари раҳбарларининг ходимларига нисбатан талабчанлик сусайтириб юборилганлиги сабабли кўп ошхоналарда тайёрланаётган овқатларнинг хиллари кам ҳамда калорияси паст бўлиб қолаяпти.

Халқ контроли комитети йиғилишида шунингдек, халқ маорифи раҳбарларининг масъулиятсизликлари туфайли мактабгача тарбия муассасалари, мактаб ва мактабгача тарбия билим юртларида медицина хизмати кўрсатиш ўз ҳолига ташлаб қўйилганлиги қаттиқ танқид қилинди.

Комитет йиғилишида юқорида номлари келтирилган область ва шаҳар бошқарма, бўлимларининг раҳбарлари огоҳлантирилди, шунингдек юз берган камчиликларни бартараф этиш юзасидан тезда чоралар кўриш ва халқ контроли комитетига маълум қилиш топширилди.

## ЯНА НОННИНГ СИФАТИ ҲАҚИДА

ОБЛАСТДАГИ нон ишлаб чиқариш корхоналарида нон пишириш технологияси қўпол равишда бузилмоқда. Бундай корхоналарда хом ашё қонун-қоидалар асосида тўғри сақланмайди. Танлаб текширилган маҳсулотларнинг 85 процентгачаси стандарт талабларига жавоб бермаганлиги учун бракка чиқарилди.

«Узхлебпром» айрим корхоналарида брак камайиш ўрнига кўпайиш ҳоллари учраяпти. Бекобод, Чирчиқ, Янгийўл нон заводларида ҳанузгача унни қопсиз ташиш йўлга қўйилмаган.

Тошкент дон маҳсулотлари ишлаб чиқариш бошқармасида (бошлиғи Иноятов) ун заводлари иши етарли назорат қилинмаяпти. Нон ёпиш корхоналари эса стандарт талабларидаги ун билан таъминланмайди. Бошқармага қарашли ун корхоналарида ҳанузгача донни тегирмонга тайёрлашда тозалаш ва тайёрлаш жараёнлари яхши йўлга қўйилмаган. Бекобод, Янгийўл, Тошкент шаҳридаги 3-ун заводларида аҳвол айниқса ташвишлидир.

Область матлубот жамияти (раиси Мираюпов) қишлоқ аҳолисини сифатли нон билан таъминлаш юзасидан конкрет тадбирлар белгиламаяпти. Область матлубот жамиятига қарашли новвойхоналарда технология қўпол равишда бузилмоқда. Лабораториялар етарли жиҳозланмаган. Бир қатор жойларда улар мутахассислар билан тўлдирилмаган. Айрим лабораторияларда нон маҳсулотлари тайёрлашнинг норматив-техник ҳужжатлари йўқ. Ишлаб чиқарилаётган нонларнинг хили кам. Корхоналарни реконструкция қилиш, ускуналарни янгилаш чоралари кўрилмаяпти. Эҳтиёт қисмларнинг етишмаслиги сабабли ҳар беш линиядан бири бўш туриб қолмоқда.

Қишлоқ жойларда нон билан савдо қилишда ҳамон камчиликлар кўп. Область савдо бошқармасида (бошлиғи Холибоев) талабчанлик ниҳоятда сусайтириб юборилган. Магазинларда нон таъминотчилардан маҳсулотнинг сифатини билдирувчи ҳужжатларсиз қабул қилиниб, сараланмай сотилмоқда. Нон маҳсулотларига буюртма аҳоли эҳтиёжи ўрганилган ҳолда эмас, балки магазин мудирларининг фармойиши билан ҳал бўлаяпти. Савдо ташкилоти билан нон заводи ўртасидаги шартнома эса текширилмайди.

Халқ контроли комитети йиғилишида ана шу каби камчиликлар рўй-рост очиб ташланди. Қабул қилинган қарорда шаҳар ва район халқ контроли комитетлари зиммасига мавжуд текшириш натижаларини ўз мажлисларида кўриб чиқиш, уларни бартараф этиш юзасидан зарур чоралар кўриш юкланди.

## ХАТЛАР МУДДАТИДА КЎРИБ ЧИҚИЛМАЯПТИ

ОБЛАСТЬ халқ контроли комитети йиғилишида Ўрта Чирчиқ район халқ контроли комитетида гражданлар хат ва шикоятларини кўриб чиқишнинг аҳволи ҳақидаги масала муҳокама қилинди.

Ўтган йил тушган хатларнинг 70 процентдан кўпроғи муддати ўтказиб текширилгани аниқланди. Турли масалалар юзасидан мурожаат этган ҳар беш кишининг тўрт нафарига вақтида жавоб берилмаган.

Район халқ контроли комитетининг айрим текширишларни юзаки, хатда кўрсатилган масалаларнинг моҳиятига етарли эътибор берилмаган ҳолда кўриб чиқилаётганлиги, қоидабузарликларни бартараф этиш учун конкрет чоралар кўрилмаётганлиги таъкидланди.

Халқ контроли комитети органлари вазифасига кирмайдиган хатларни текшириш, шунингдек шикоятларни айбланган мансабдор кишиларнинг ўзига юбориш ҳоллари ҳам учрамоқда.

Меҳнаткашлар хатлари ва гражданлар мурожаатидан сўнг аниқланган камчиликлар бўйича қабул қилинган қарорларни назорат қилиш талаб даражасида эмас. Кейинги вақтда бирор марта ҳам бевосита жойларга чиқиб текширилмади. Текширув натижаларининг ошкоралиги эса таъминланмаяпти.

Меҳнаткашларнинг шикоят ва мурожаатлари яхши текширилмаётганлиги сабабли гражданлар юқори партия ва совет органларига қайта мурожаат этишга мажбур бўлмоқдалар. Сўнгги икки йил ичида комитет бирор корхона, ташкилот, муассасада гражданларнинг хат ва шикоятлари билан қандай иш олиб борилаётганлигини ўрганмади.

Район халқ контроли комитети ҳузуридаги меҳнаткашлар шикоят ва таклифларини ўрганувчи бюро составн жуда кам кишидан иборат. Бунинг устига бюро суст фаолият кўрсатмоқда.

Область халқ контроли комитети қарорида юз берган камчиликлар район халқ контроли комитетининг раиси М. Маматқуловнинг меҳнаткашлар хатлари ва шикоятлари билан ишлашга эътиборни сусайтириб юборгани, бу муҳим ишни қайта қуриш чораларини кўрмаганлиги натижаси деб баҳоланди. Меҳнаткашлар шикоятлари ва таклифлари билан ишлаш штатсиз бюроси сафини кенгайтириш ҳамда фаолиятини активлаштириш чораларини кўриш топширилди.

**ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИГА ЖАВОБ БЕРАДИЛАР**

## «МОЙ ФИЛЬТРИ НЕГА ЙЎҚ?»

ГАЗЕТАНИНГ 1987 йил 16 декабрь сонида юқоридаги сарлавҳа остида Тошкент шаҳрида кейинги беш-олти ой ичида «Москвич» автомашинаси учун мой фильтрлари танқис бўлиб қолганлиги танқид қилинган эди. Мақолага Ўзбекистон ССР Нефть маҳсулотлари таъминоти Давлат комитети раисининг ўринбосари Я. Т. Мўминов имзоси билан жавоб олинди. Мақола Тошкент нефть маҳсулотлари таъминоти бошқармаси мутахассислари иштирокида муҳокама қилинди, дейилади жавобда. Жойларда ўтказилган текширишлардан маълум бўлишича, «Москвич» автомашинаси учун мой фильтри камчил бўлиб қолганлиги тўғри танқид қилинган. Фактлар тасдиқланди. Мақолада ёзилганидек ҳақиқатан илгари республика моддий-техника таъминоти базасида бундай фильтрлар тўлиб ётарди. Кейинги йилларда фильтрларга шахсий автомобиль эгаларининг талаби кам бўлганлиги учун областлардаги нефть маҳсулотлари таъминоти бошқармалари бу турдаги фильтрни олишни рад этишарди. Шунга кўра улар 1987 йил учун буюртмани 1986 йилга нисбатан анча кам беришган. Оқибатда етишмовчилик юз берган. Йиғилишда ушбу бошқарма раҳбарларига аҳолининг фильтрларга бўлган эҳтиёжини етарли даражада ўрганилмаганлиги кўрсатиб ўтилди.

Юқорида кўрсатилган камчиликни бартараф этиш учун 1988 йилда шахсий автомашиналар эгаларини мой фильтрлари билан етарли миқдорда таъминлаш чора-тадбирлари белгиланди. Бу йил 1987 йилга нисбатан қарийб икки баравар кўп, яъни 190 минг дона мой фильтрларига, шу жумладан Тошкент шаҳри ва области учун 30 минг дона буюртма берилди. Мой фильтрлари билан таъминлашни назорат қилиш кучайтирилди.

